# Бугун Ватанимиз пойтахти—Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди ўз ишини бошлади

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 47 (5.938) • 1986 йил 25 февраль, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

**Съезд ҳаракатни бирлаштириш ва уни зўр куч билан илгарилатиш учун амалий аҳамиятга эга бўлмоғи лозим...**




Телефонда—Москва

## Съезд делегатлари билан суҳбат

Биз Людмила Александровна Валетова билан узоқ вақт телефон орқали боғлана олмадик. Чамаси, унга қариндошлари, кўплаб ҳамкасблари қўнғироқ қилганга ўхшайди. У «Оқшом»дан қўнғироқ қилишимизни кутмаган экан.

●

— Биласизми, Москва менга нимаси биландир Тошкентни эслатади. Ҳавоси билан эмас, албатта. Бу ер бироз совуқ, дарахтларда — қор. Ўзбекистон пойтахтида турли халқаро анжуманлар ўтказилган пайтда бўладиган тантанали бир вазият, самимиятни ҳис этдим.

Дастлабки кунлардаёқ бутун мамлакатимиздан келган вакиллар билан унутилмас учрашувлар бўлди, таассуротларни ўртоқлашдик, ўз меҳнат коллективларимиз ҳақида ҳикоя қилиб бердик.

Албатта, менинг ҳам сўзлаб берадиган нарсаларим бор эди. Тошкент меҳнаткашлари ҳаётида съезд олдидан кенг тус олган социалистик мусобақа айниқса ёрқин саҳифа бўлиб қолди. Мен коммунист сифатида шаҳарда биринчилардан бўлиб республиканинг ўн саккиз илғор ишчисининг «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остидаги ташаббусини қўллаб-қувватладим.

Партия XXVII съезди шарафига қўшимча мажбурият олган эдим, уни муваффақиятли бажардим. Бир кун тежалган материал ҳисобига ишладим.

Корхонамизда ва бизнинг цехимизда ҳали муаммолар оз эмас. Яқинда бирлашмамизда бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилишида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, буюртмаларни ўз вақтида етказиб бериш, ишнинг бир маромда боришини таъминлаш масалалари кўтарилди. Мен корхона партия комитетининг аъзоси, цех партия бюросининг аъзоси, бригада партия группасининг ташкилотчиси сифатида бир неча бор ана шу масалалар билан шуғулландим.

— Алло, Людмила Александровна, яхши эшитилмаяпти, съездга қандай совға билан бордингиз?

— 1986 йилда меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 2 процент оширмоқчиман...

***

Владимир Тўйчиевич Одиловга қўнғироқ қилишимиз билан дарҳол саволимизга жавоб қайтариб деди:

— Москва ҳақидаги илк тасаввуримми? — Биласизми, аэропортдан шаҳарга келаётганимизда осмонда учиб бораётган кумушранг «ИЛ-76» ҳаво лайнерига кўзим тушди. Уни тайёрлашда менинг ва коллективимизнинг ҳиссаси бор. Ёнимда ўтирган кишига юзланиб фахр билан: «Кўраяпсизми, бу мен меҳнат қилаётган авиасозларнинг съездга тайёрлаган муносиб совғасидир» дедим...

Ҳақиқатан ҳам республика коммунистларининг вакили сифатида қалбда қандайдир бир масъулиятни ҳис қиласан киши. Съездда муҳим давлат масалаларини муҳокама қилаётганда беихтиёр бирлашмадаги мавжуд проблемалар ҳақида ўйлаб кетасан. Ўзбекистон Компартияси XXI съездида айтганимдек, корхонамиз ўн биринчи беш йилликда план-топшириқларини мунтазам бажариб келди, шунга қарамасдан камчиликлар ҳам бор. Ишни ташкил этишдаги нуқсонлар, иш вақтини бой бериш шулар жумласидандир. Гоҳида бой берилган вақт ўрнини ишдан ташқари пайтда ва дам олиш кунлари ишлаш билан тўлдирилмоқда. Меҳнат интизомини бузаётганлар, ичкиликбозлик фактлари кўп ташвиш келтиряпти.

Партия анжуманининг делегатлари билан суҳбатлашганда ҳозир бутун мамлакат бўйлаб ана шундай камчиликларга қарши кескин кураш бошланганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Касбдошларимга салом айтиб қўйишингизни истардим. Механика-йиғув ишлаб чиқаришидаги токарлар бригадамиз съезд очиладиган кунга қадар биринчи квартал планини бажариш бўйича социалистик мажбурият олган эди. Москвага етиб келишим биланоқ телеграмма олдим. Касбдошларим сўзларининг уддасидан чиқишибди. Офарин, йигитлар!

# Зафарларимиз сенга, жонажон партия!

## Бунёдкорлар туҳфаси

«Главташкентстрой»га қарашли «Жилстрой» тресги 40-қурилиш бошқармасининг Ўрин Эшеозов ва Михаил Тутикин бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари узоқ йиллардан буён мусобақалашишмоқда. Улар қурилиш ишларини бригада пудрати методи асосида олиб боришмоқда. Ҳозирда иккала бригада уй-жой бинолари қурилишида ишлаяпти. Ў. Эшеозов бригадаси Сергелида ҳар бири 60 квартирали иккита уй, М. Тутикин бригадаси эса Юнусободда 100 квартирали уйни бунёд этишмоқда. Қурилиш ишлари графикдан ярим ой ўзган ҳолда олиб борилмоқда. Иккала бригада «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик»ларни муносиб меҳнат ютуқлари билан нишонлади. Улар 1986 йил биринчи квартал плани бажарилганлиги тўғрисида рапорт беришди.

## Самарали меҳнат

1-автокомбинат коллективи ўртасида корхона коммунистлари, меҳнат ветеранлари алоҳида ўрнак бўлишмоқда. Улар коллективнинг етакчи қисмини ташкил этади. К. Орипов бошлиқ 7-бригада жонкуярлари шу долзарб кунларда юксак кўтаринкилик билан меҳнат қилишмоқда. Ушбу коллектив бригада пудратини муваффақиятли жорий этиб, залворли кўрсаткичларга эришяпти.

Мамлакат коммунистлари анжумани шарафига корхонада туғилган яна бир хайрли ташаббусни алоҳида айтиб ўтиш керак. Коммунист Б. Прокушенко ҳайдовчилар ўртасида биринчилардан бўлиб ўн иккинчи беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажариш мажбуриятини олди. Бу ташаббусни корхонада кўплаб ҳайдовчилар қўллаб-қувватлашди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида комбинат рационализаторлари томонидан 30 та таклиф киритилди. Уларнинг иқтисодий самараси 30 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ишлари яхшиланди. Съездлар йилида ўттиздан зиёд ана шундай таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилади.

## Вақтдан ўзган бригада

«Главташкентстрой»га қарашли 3-трестнинг 16-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Юлай Ҳакимов бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси бригадалараро ўтказилаётган социалистик мусобақаларнинг ғолиблигини қўлдан бермай келаётир. 34 кишидан иборат бу коллектив бригада пудрати методи асосида иш олиб боряпти.

БУГУН

**Бригада коллективи Сергели уй-жой массивида 72 квартирали тўққиз қаватли ҳажмли-блокли уйнинг нуль цикли қурилишини графикдан ярим ой ўзган ҳолда адо этди ва биринчи қават қурилишини бошлаб юборди.**

Бошқармада пайвандловчи Юрий Курицин, дурадгор Михаил Бурцев, монтажчи Абдулла Машанло илғор бинокорлардан ҳисобланади. Улар «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори асосида ишлаб, арзигулик ютуқларни қўлга киритишди. Ҳозир бригаданинг меҳнат календарида март ойи ҳисоби очилган.

## Рапортдан сатрлар

«Ташсельмаш» заводининг «Коммунистик меҳнат коллективи» фахрли номига эга бўлган қуюв цехи коллективи КПСС XXVII съезди шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажарганлиги ҳақида биринчилардан бўлиб рапорт берди. Қуювчилар XII беш йилликнинг икки ойи планини муддатидан аввал адо этдилар.

Ҳозир цех 21 турдош корхонага 100 граммдан 1 тоннагача бўлган 500 хилдан ортиқ қуйма етказиб беряпти. Буюртмалар хилма-хил бўлишига қарамай қуювчилар шартномадаги мажбуриятларига тўла риоя қиляптилар.

Цехда КПСС XXVII съезди шарафига давом этган мусобақада қолипловчилар А. Безруков, М. Баратов, қуювчилар А. Абраманов, В. Колшураев, стерженчилар А. Платанова, Т. Трунова, Г. Жаркова кўпчиликка намуна бўлдилар.

●

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига қарашли 2512-автоколонна коллективи йил бошидан бери 331 минг тонна халқ хўжалик юклари ташиб, КПСС XXVII съезди шарафига олган социалистик мажбуриятини бажарди. Бу икки ойлик планда белгиланганидан 10 минг тонна кўпдир.

Умумий муваффақиятга илғор ҳайдовчилардан Т. Исроилов, В. Вирмиюков, Ф. Пирмуҳамедов каби пешқадам ҳайдовчилар муносиб ҳисса қўшдилар. Ўзларининг «МАЗ — 5549» маркали самосвал машиналари билан «Главташкентстрой»нинг 4, 6-механизациялашган бошқармаларига хизмат қилаётган бу ҳайдовчилар шу кунларда кунлик топшириқларини 140—150 процентга етказиб адо этяптилар.

Тошкент—жаҳонга

## Муддатидан илгари

Экскаватор заводининг меҳнатчилари КПСС XXVII съезди шарафига чет эл буюртмасини муддатидан илгари бажаришди. Венгрия ва Югославияда ишлаб турган экскаваторлар учун 40 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар жўнатилди.

Шу кунларда Куба, Вьетнам, Афғонистонга юбориладиган машиналар тайёрланмоқда. Ўтган йили 65 та машина ГДР, Чехословакия, Гвинея, Куба, Венгрия ва бошқа мамлакатларга юборилган.

## Буюртмачи кўпаймоқда

Тўқимачилик комбинатининг буюртмачилари географияси бойиб бормоқда. Пойтахтимизда тайёрланган газламалар Монголия ва Афғонистонга тез-тез юборилялти. Йил бошидан буён бу икки мамлакатга 135 минг метр маҳсулот жўнатилди. Йил давомида чет эл мамлакатларига 2,5 миллион метр ранг-баранг газлама экспорт қилинади.

Бундан ташқари Португалия пойтахти Лиссабонда очиладиган халқаро ярмарка учун уч хил турда газламалар тайёрланди. Комбинат узоқ йиллардан бери кўпгина халқаро кўрикларда фаол қатнашмоқда. Ўтган йили корхона маҳсулотлари Перунинг Лима шаҳрида очилган ярмаркада кўрсатилган эди.

Публицистика

# Москва. Қизил майдон.

Сергей БАРУЗДИН,
«Дружба народов» журнали бош редактори.

Қизил майдон узра алвон байроқлар ҳилпирайди. Қизил майдон узра юракни ҳаяжонга чулғаб курант садолари янграйди.

Кремль деворлари олдида турли тилларда сўзлар жаранглайди: съезд делегатлари мамлакатимиз коммунистларининг улкан анжуманида қатнашиш учун Съездлар саройи сари ошиқмоқда.

Ёзувчилик касбим тақозоси билан кўп воқеа ва кечмишларни эслайман. Бироқ мамлакатимиз коммунистларининг ўз анжуманларига бу қадар ижодий кўтаринкилик билан тараддуд кўрганининг илк марта гувоҳи бўлиб турибман. Съездолди ҳужжатларининг катта қизиқиш билан муҳокама этилганлиги эса фикримнинг яна бир далили. Бу ҳужжатлар улкан сиёсий ва социал аҳамиятга эга. Биз бундан кейинги бунёдкорлик ишларимизни ана шу муҳим ҳужжатлардан келиб чиқиб тараққий эттирамиз.

Бу кун Қизил майдон узра шахдам одимлар отиб бораётганлар сафида Совет Ўзбекистони коммунистларининг делегатлари ҳам бор. Ўзбекистонни биз «оқ олтин» ўлкаси деймиз. Унинг пойтахти эса тинчлик ва дўстлик, тараққиёт ва социализмнинг Шарқдаги машъали бўлиб қолган.

Мен бир неча марта кўришга муяссар бўлган шаҳар — Тошкент ҳақида гапирганимда албатта унинг очиқ кўнгил ва меҳмондўст аҳолисини миннатдорлик билан эслайман. Биз ёзувчилар Тошкент Осиё ва Африка тараққийпарвар адибларининг анъанавий анжумани айни шу заминдан бошланганлигини ҳам яхши биламиз.

Ўзбекистонлик съезд делегатлари орасида ишчи ва дала меҳнаткашлари билан бир қаторда менинг ҳамкасбларим — адиблар ҳам бор. Ўзбек халқининг бу соҳадаги шуҳрати асрлардан маълум. Навоийни бутун дунё билади. Фурқат ва Муқимийларнинг асарлари кўп тилларга таржима қилинган. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номи жаҳонга машҳур. Ҳамзанинг ишларини Совет Ўзбекистони адиблари муносиб давом эттирмоқда. «Дружба народов» журнали «оқ олтин» ўлкаси адибларининг энг яхши асарларини кенг китобхонлар оммасига мунтазам тақдим этиб келмоқда.

Бу йил ҳам журналимиз ўқувчилари ўзбек адиблари асарларини ўқийдилар. Одил Ёқубовнинг «Бу кўҳна дунё» романи ва Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари» повести шулар жумласидан. Журналимизнинг дастлабки сони тошкентлик рассом Иван Кирикадинининг безаклари билан чиқди.

...Бугун Қизил майдонда — Кремлнинг шуҳратга бурканган тарихий деворлари ёнида туриб юрак тўлқинланади. Бунда бизнинг кундалик ҳаётимиз, байрамларимиз шукуҳи, ленинча тинчликпарвар сиёсатимизнинг барқарорлиги, Ватанимизнинг бузилмас иттифоқи равнақини тўла ҳис этиш мумкин.

Қизил майдон узра яна курантларнинг тантанавор садоси янграйди. У КПСС XXVII съезди ўз ишини бошлаганини мамлакатга ёймоқда. Ватанимиз тарихи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихида янги давр бошланди.



## МЕҲНАТ УЧУН ҲУРМАТ ВА ШОН-ШАРАФ

◆ **Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда катта муваффақиятларга эришиб, КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилган социалистик мусобақада ғолиб чиққан Ўзбекистондаги 73 та меҳнат коллективининг номи республика «Ҳурмат тахтаси»га зарҳал ҳарфлар билан ёзилди.**

24 февраль куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида зарбдор вахта илғорлари шарафига тантанали митинг бўлди. Митингда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, Тошкент шаҳри ва пойтахт области партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Митингни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов очди.

Сўзга чиққан кишилар — ғолиб коллективларнинг вакиллари КПСС XXVII съездининг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшишга азму қарор берганликлари тўғрисида гапирдилар. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш, фан ва техника ютуқларини кенг жорий этиш, қувватлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш проблемаларини янада зўр ғайрат билан ҳал этиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Митингда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ғ. З. Заҳритдинов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

